

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ**

**Я. ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИЛК МЕТАЛЛАР ВА ҚАДИМГИ ДАВР АРХЕОЛОГИЯСИ БЎЛИМИ**

**БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР АСРИДА  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ**

(Республика илмий-амалий конференция материаллари)

**Самарқанд, 3 ноябрь, 2023 йил**

УДК: 769.2 (072)

**Бронза ва илк темир асрида Марказий Осиё халқлари моддий маданияти  
Республика илмий-амалий конференция материаллари.** Самарқанд. 2023. – 170 б.

*Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти Илмий Кенгашининг  
2023 йил 30 ноябрдаги 10-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия  
этилган.*

Илмий конференция материаллари асосида жамланган Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан илк ўрта арларга қадар бўлган ўтмишига оид маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда тарих ва археология фанларининг янги манбалари, бу борада олимлар эришган муҳим ютуқлар, мавжуд муаммолар, хулосалар ҳамда мулоҳазалар давр талабидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган. Илмий тўплам материаллари тарихчи, археолог талабалар, археология мутахассислиги магистрлари, мустақил тадқиқотчилар ҳамда Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

*М. М. Саидов*

**Таҳрир хайъати:**

*К.А. Раҳимов*

*М.Ҳ. Пардаев*

**Б.М. Абдуллаев**

**А.Н. Холматов**

**Б.Б. Базаров**

**Такризчи:**

*Б.Х.Матбабаев*

*Д.Дж. Джурақулова*

*Конференция материалларида ёритилган тарихий жараёнлар, маълумотлар ва  
чиқарилган илмий хулосаларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар маъсулдир.*

**ISBN – 978-9943-9133-8-7**

© Я. Гуломов номидаги Самарқанд археология институти

## КИРИШ СЎЗИ

Маълумки, қулай табиий шарт-шароит ва унумдор ерлар, айниқса кўплаб оқар сув манбаларининг мавжудлиги минтақаларни ўзлаштирилиши, инсон фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг ҳар томонлама ривожланишига асосий сабаб бўлган. Ана шундай омиллар Марказий Осиёда бронза, илк темир ва антик даврда цивилизация, диний қарашлар, илк давлатчиликни пайдо бўлиши, урбанизацион муносабатлар ривожига катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги кунда ушбу жараёнларни археологик тадқиқ этиш, содир бўлган тарихий воқийликларни илмий асосда ўрганиш ҳозирги тарих ва археология фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ушбу Республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламидан жой олган мақолалар айнан юқорида қайд қилинган масалаларга бағишланган бўлиб, уларда билдирилган илмий фикрлар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси тарихи учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Я. Гуломов номидаги Самарқанд археология институтининг “Илк металллар ва қадимги давр археологияси” бўлими томонидан ташкил этилган конференцияда Республикамиз Олий ўқув юртлари ҳамда илмий тадқиқот муассасаларининг таниқли етакчи тарихчи олимлари, профессор-ўқитувчилари билан бирга ёш мутахассисларнинг иштирок этиши анжуман нуфузи ва унда кўтарилган масалаларнинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Тўпламга республиканинг турли илмий муассасалари ва Олий ўқув юртларида фаолият юритаётган 40 га яқин мутахассисларнинг мақолалари киритилган бўлиб, улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, тўрт шўъбага ажратилган.

Конференция ишида Ўзбекистоннинг бронза давридан илк ўрта асрларгача бўлган ўтмиш тарихига оид даврни қамраб олган маърузалар эшитилган бўлиб, уларда тарих ва археология фанларининг янги манбалари, бу борада олимлар эришган муҳим ютуқлар, хулосалар мавжуд муаммолар, ҳамда мулоҳазалар давр талабидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилди.

Жумладан, конференцияда урбанизация ва миграциялар жараёни, ҳунармандчилик, савдо сотиқ, санъат, ишлаб чиқариш, суғорилиш тизими ҳамда ўтроқ маданиятлар билан чорвадор қавмлар жамоалари ўртасидаги маданий алоқалар тарихига бағишланган бир қатор маърузалар тингланди. Шунингдек, Марказий Осиё антик даври моддий маданиятлари таҳлилига доир маърузаларда “Нуртепа маданияти”ни Қадимги Уструшона бўйлаб тарқалиши, аҳолисининг аждодлар руҳи эътиқоди, Қуйи Сирдарё худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши, ҳунармандчилик ривожига бағишланган маърузалар эшитилди.

Умуман олганда, конференцияда бронза, илк темир ва антик давр моддий маданияти бўйича тайёрланган 40 га яқин маърузалар қадимги давр тарихини ўрганиш ва ёритишда муҳим ҳисобланиб, бундай анжуманлар ҳалқимизнинг қадимий тарихини англаш, миллий-маданий ўзлик асосида объектив манбаларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш, тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни келажак авлод учун етказиб беришга хизмат қилади.

**М.М. Саидов**

**Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги  
Я. Гуломов номидаги Самарқанд археология  
институти директори**

## ЎРТА ОСИЁ ҚЎЛДА ЯСАЛГАН НАҚШЛИ СОПОЛЛАР МАДАНИЯТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Хамидов О. А.

*Термиз давлат университети*

**Аннотация.** Марказий Осиёда юқори даражадаги бронза ва илк темир асрга тегишли Қўлда ясалган нақшли сопол маданияти ёдгорликлари биринчи марта 1904 йилда Р. Пампелли экспедицияси томонидан Жанубий Туркменистонда, Анау ёдгорлигида аниқланган. Археология фанида бу маданият умумий ном билан - Қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти (ҚЯНСМ) деб аталмоқда.

**Калит сўзлар:** Қадимги Шарқ, кўчманчи, Сополли, Даштли, Номозгоҳ.

**Аннотация.** Памятники лепной керамической культуры эпохи поздней бронзы и раннего железа в Средней Азии впервые были обнаружены в 1904 году Р. Он был обнаружен экспедицией Пампелли в Южном Туркменистане, в памятнике Анау. В науке археологии эту культуру называют общим названием - Культура ручной узорчатой керамики (КЯНСМ).

**Ключевые слова:** Древний Восток, кочевники, Сополли, Даштли, Номазгах.

**Abstract:** Monuments of the Late Bronze and Early Iron Age hand-made ceramic culture in Central Asia were first discovered in 1904 by R. It was identified by the Pampelli expedition in South Turkmenistan, in the Anau monument. In the science of archeology, this culture is called by the general name - Hand-made patterned pottery culture (QYaNSM).

**Key words:** Ancient East, nomadic, Sopalli, Dashtli, Nomazgakh.

Археология маълумотларига кўра сўнгги бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубида жуда катта маданий, этник, диний ўзгаришлар жараёни юз беради. Қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий варианты ҳисобланган Сополли, Даштли, Номозгоҳ маданиятлари инкирозга учраб, улар ҳам Шумер, Хараппа, Элам сингари тарих сахнасида тўлиқ чиқиб кетади. Тарихий, маданий, мумкинки, этник ўзгаришлар жараёни содир бўлади. Халқларнинг буюк кўчишлари кечади. Натижада, Марказий Осиёнинг деярли барча тарихий минтақаларини ярим кўчманчи ва ўтроқлашаётган деҳқон жамоалари эгаллайди. Археология фанида бу маданият умумий ном билан - Қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти (ҚЯНСМ), деб аталмоқда [Lhuillier. 2011. P. 9-20., Lhuillier. 2013].

Табиийки, моддий маданият ўзгаради. Хунармандчиликнинг кўплаб соҳаларида регресс (инкироз), айримларида прогресс (ривожланиш) ҳолати юз беради. Қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти тарихий минтақаларда ҳар хил номлар билан аталиб келинмоқда. Фарғонада Чуст, Тошкентда Бурғали, Сурхондарёда Кучук I, Қизил I, Афғонистонда Тилла I, Жанубий Туркменистонда Яз I номлари билан машҳур. Шу туркумдаги маданиятлар Эрон, сўнгги маълумотларга кўра Шарқий Туркистонда ҳам қайд этилган [Lhuillier. 2015. P. 261-287].

Қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти даврида, хусусан Бақтрияда манзилгоҳлар умумий майдонининг кичкиналашиши, монументал меъморчилик анъанасининг пасайиши, санъат буюмларининг кескин камайиши, ҳаттоки айрим соҳаларнинг умуман нутилиши (сфрагистика, глиптика), кулоллик дастгоҳларидан, хусусан чархдан фойдаланмаслик ҳолатлари содир бўлади.

Марказий Осиёда мазкур маданиятларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш географияси, меъморчилик анъаналари, аҳолининг диний дунёқараши, дафн маросимлари масалалари бўйича олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Бу масалалар янги археологик манбалар асосида ўз ечимини топади.

Марказий Осиёда сўнгги бронза ва илк темир асрига оид Қўлда ясалган нақшли сопол маданияти ёдгорликлари биринчи марта 1904 йилда Р. Помпелли экспедицияси

томонидан Жанубий Туркменистонда, Анов ёдгорлигида аниқланган. Мазкур сополлар мажмуаси Р. Помпелли ва Х. Шмидт томонидан “варварлар оккупацияси даври” (ЭВО – эпоха варварской оккупации) деб номлаган [Pumpelly.1966, с.189]. Мазкур маданият бўйича 1982 йилгача собиқ иттифок ҳудудида қилинган барча илмий ишлар картотекаси Т.Н. Заднепровская ва Ю.А. Заднепровский томонидан нашр этилган [Заднепровская., Заднепровский. 1984. С. 97-122].

Ундан ташқари, ҚЯНСМ тарихшунослиги В.М. Массон [Массон. 1984. С. 5–12], Ю.А. Заднепровский [Заднепровский. 1997.С.172], А.А. Аскарлов [Аскарлов, 1979. С. 34-37], Х. Дуке [ Дуке. Ташкент, 1982 ], Г.А. Пугаченкова [ Пугаченкова. 2001.Р. 23-34], Б.Х. Матбобоев [Матбобоев, 1985], Ш.Б. Шайдуллаев [ Шайдуллаев, 2002], J. Lhuillier [Lhuillier, 2013], S. Stride [Stride, 2004], А. Курбанов [Курбанов, 2018. Рр. 7-15] тадқиқотларида ҳам анча кенг ёритилган. 2019 йил маълумотларига кўра Марказий Осиёда ушбу маданиятга оид ёдгорликларнинг умумий сони 300 тага етган [Lhuillier. 2013. Р.260].

Бактрияда ҚЯНСМ ёдгорликлари XX асрнинг 60-йилларидан ўрганила бошланган. Шуниси диққатга сазоворки, ҚЯНСМ ёдгорликларининг деярли барчаси Сополли ва Даштли маданиятлари ўзлаштирган ҳудудларда қад кўтарган.

Л.И. Альбаум топган ва фанга киритган Кучуктепа ёдгорлиги Уланбулоқсой ирмоқларида, яъни Сополлитепа яқинида жойлашган. Кучуктепа тўрт метр баландликдаги платформа устига қурилган, мудофаа деворлар билан ўраб олинган, монументал меъморчиликка хос бўлган, қишлоқ типигаги ёдгорлик. Унинг маданий қатламлари 4 та стратиграфик даврга ажратилган (Кучук I, Кучук II, Кучук III, Кучук IV) [ Альбаум., 1969. С. 69-79; Аскарлов., Альбаум., 1979; Аскарлов., Аминов., Раҳманов, 1978. С. 51-56; Аскарлов., Аминов, 1979. С. 544-545 ]. А.А. Аскарлов томонидан бошланган стратиграфик изланишлар, унинг шоғирди Ш.Б. Шайдуллаев томонидан Жарқўтон ва Кучуктепада давом этирилди. Тадқиқотлар натижасида Кучук I даврини икки босқичга бўлиб давраштириш таклиф этилди [Ширинов., Шайдуллаев, 1988. С. 13-26; Шайдуллаев, 1990; Šajdullaev, 2002].

Жарқўтоннинг арк қисмига ҳам Кучуктепа маданияти аҳолиси келиб ўрнашади, маълум вақт яшайди ва улардан хўжалик чуқурлари бизгача етиб келган [Шайдуллаев.2002]. Сўнгги йилларда, айнан Жарқўтон аркида Ўзбекистон-Франция археологик экспедицияси тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот ўтказилган майдон кўлами кенг бўлсада, қазилма ишлари чуқурлаштирилмаган, мақсад ҚЯНСМ изларини ўрганишдан иборат бўлган, албатта. Кенг кўламли майдонда, 0,10-0,15 метр чуқурликда ўтказилган ҳудудларда меъморчилик қолдиқлари учрамаган, диаметри 1,5-1,7 метр келадиган хўжалик чуқурлари аниқланган. Чуқурлар, Сополли маданияти маданий қатламларини кесиб ўтган. Чуқурлардан ҚЯНСМ даври ашёлари ўрганилган [Мустафокулов., Бендесу-Сарменьто., Раҳмонов., Хасанов М., Люилье., Люно, 2012. С. 203-213]. Жарқўтон аркидан топилган Кучук I даври сополлари бошқа ёдгорлик сополлари билан таққосланганда, сифатлиги билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси Миршоди воҳасида Қизилтепа [Пугаченкова. 1973. 467-468] ва унинг атрофида жойлашган Қизилча деб номланган ёдгорликлар гуруҳини [Сагдуллаев, 1987. С. 6], Бандихон воҳасида эса Бандихон I (Майдатепа) [Беляева., Хақимов, 1973, с. 35—5; Хақимов З.А., Сагдуллаев, 1979] ёдгорликларини фанга киритди. Бу ҳудудлар ҳам Сополли маданияти аҳолиси томонидан ўзлаштирилганлигини у ерларда қайд этилган Миршоди ва Бандихон ёдгорликлари мисолида айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Санъатшунослик экспедициясининг мазкур ёдгорликларда олиб борган тадқиқотлари натижасида А.С. Сагдуллаев дастлаб фан номзодлиги диссертацияси, кейин

эса докторлик диссертацияларини ёзди [Сагдуллаев, 1989] ва туркум мақолалар ва монография нашр эттирди [Сагдуллаев, 1987].

Н. Бороффка ва Л. Сверчков ҚЯНСМга бағишланган тадқиқотларини давом эттириб, 2003 йилда Бойсун археологик экспедиция тадқиқотлари доирасида Бандихон I ёдгорлигида қазилма ишларини олиб боришди [Бороффка.,Сверчков, 2007.С.97-131]. Ўрта Осиёнинг илк темир даври археологияси бўйича янги, Яз II муаммосини кўтаришди. Уларнинг фикрига қараганда, Яз I ва Яз II археологик комплексларининг генетик алоқадорлиги йўқ, улар бошқа-бошқа маданиятлардир [Бороффка.,Сверчков, 2013. Рр. 49-74].

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Шимолий Бактриянинг Жанубий Тожикистонга тўғри келувчи ҳудудларида Н.М. Виноградова ва Л.Т. Пьянкова Кангурттут ва Тегузак ёдгорликларининг юқори қатламларида Кучук I даври сополлари мажмуалари мавжудлигини қайд этишган. Ундан ташқари Восе райони Қизилсув дарёси ҳавзасида ҳам ўрганилаётган маданиятга оид Каримберди ёдгорлиги аниқланди. Каримберди манзилгоҳи Қўлда ясалган нақшли сополлар маданиятининг келиб чиқиши ва хронологияси масалаларини ойдинлаштиришда муҳим ўрин тутади [Виноградов, 2004. С. 9].

Мустақиллик йилларида мавжуд материаллар ва янги олиб борилган қазилмалар натижасида Бактриянинг бронза ва илк темир даври хронологиясига ўзгартишлар киритилди [Аскарлов., Шайдуллаев., 2005. Б. 36-47].

В.И. Сариянидининг Жанубий Бактрияда жойлашган Тиллатепа ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари ҚЯНСМ ўрганишда ниҳоятда катта янгилик бўлди. Тиллатепа ҳам Кучуктепа сингари платформа устида бунёд этилган. У ибодатхона ўрни бўлиб, ривожланган муҳофаа тизими ва монументал архитектурага эга. Ёдгорликдан олинган моддий маданият ашёлари 3 та хронологик даврга (Тилла I, Тилла II, Тилла III) ажратилган [Сарияниди, 1972;. 1973, вып. 136, с. 17-22;. 1989].

Демак, шу кунгача Бактрияда ўрганилган ҚЯНСМга оид ёдгорликларни меъморий ечим жиҳатидан монументал архитектурага эга бўлган қишлоқ (Кучуктепа), монументал архитектурага эга бўлган ибодатхона (Тиллатепа), архитектурасиз мавсумий манзилгоҳ (Жарқўтон), қишлоқ қўрғонларга (Қизилча VI) ажратиш мумкин.

Ш.Б. Шайдуллаев тадқиқотларида Шимолий Бактриянинг Кучук I даври ёдгорликлари деҳқончилик воҳалар ва унда жойлашган ирригация тармоқлари асосида районлаштирилган:

1. Шеробод деҳқончилик ўлкаси иккита суғорилиш районида иборат. Булар Уланбулоқсой (Кучуктепа) ва Бўстонсой ўзанлари (Жарқўтон).

2. Бойсун деҳқончилик ўлкасида битта ирригация райони қайд этилган бўлиб, бу Бандихонсой этакларини ўз ичига олади (Бандихон I).

3. Миршоди деҳқончилик воҳаси Миршоди ўзанларини ўз ичига олиб, Қизилсув, Қизилжар ва Жоилма сойларидан ташкил топган (Қизилтепа) [Шайдуллаев, 2000;. 2008. 190 б. ].

Ўзбекистон-Чехия-Франция қўшма халқаро археологик экспедициясининг Кўхитангтоғ ён бағрида олиб борган археологик тадқиқотлари натижасида Зарабоғ суғорилиш райони 2015 йилдан ўрганила бошланган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳудудда Кучуктепа маданиятига оид 9 та қишлоқ типига оид янги ёдгорлик, 220 та даҳма-қўрғон ва 175 та петроглифлар аниқланди. Қишлоқ типигаги ёдгорликларнинг 3 таси тош девор билан ўралган.

Ш.Б. Шайдуллаевнинг тадқиқотларидан сўнг Ўзбекистон-Чехия археологик экспедицияси аввал Шеробод дарёси чап соҳилида жойлашган Жондаваттепа ёдгорлиги стратиграфиясини ўрганиш давомида, унинг куйи қатламларидан Кучук I даври сополларини [Абдуллаев., Станчо, 2009. С. 18-23], сўнграқ Кўхитангтоғ ёнбағрида Зарабоғ суғорилиш районини кашф этди. Демак, Кучук I даврида Шеробод деҳқончилик

ўлкаси Ш.Б. Шайдуллаев эътироф этганидек иккита эмас, балки тўртта суғорилиш районидан иборат бўлган: 1. Уланбулоқсой (Кучуктепа) [Аскарлов, Альбаум, 1979]; 2. Бўстонсой ўзанлари (Жарқўтон); 3. Шеробод дарёси ўзанлари (Жондавлаттепа) ҳамда Зарабоғ суғорилиш райони.

Ўрганилаётган маданиятнинг бугунги кунгача ечими топилмаган жиҳатларидан бири унинг пайдо бўлиши масаласидир. У 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида муҳокама мавзуси бўлиб келмоқда. Тадқиқотчилар турли хил гипотезаларни ўртага ташлашган [Заднепровский, 1986. №5]. Биринчиси, миграцион ёндашув ғояси бўлиб, ҚЯНСМнинг келиб чиқиши излари Шимоли-шарқий Эрондан изланди [Сарианиди, 1973 (КСИА. № 136)]. Иккинчиси, масалага автохтон ёндашув бўлиб, маҳаллий аҳолининг босқичма-босқич Андронов типидagi дашт аҳолиси билан ассимиляцияси асосида Намозгоҳ VI типидagi қадимги деҳқончилик маданияти трансформациялашуви [Заднепровский, 2017. С. 115-131]. Учинчиси, кўчманчи қабилаларнинг қадимги деҳқончилик маданияти ҳудудларига келиб, Ўрта Осиё жанубидagi маданиятни кескин ўзгартириши ҳақидаги ғоядир. У Р. Пампелли томонидан XX аср бошларида Жанубий Туркменистондаги Анау ёдгорлигидаги қазилмалардан сўнг илгари сурилган [Pumpelly, 1908]. Бу фикрни, яъни дашт аҳолисининг қадимги деҳқончилик маданиятига таъсири ғоясини В.М. Массон ривожлантирди [Массон, 1966. С. 189]. С.П. Толстов ва М.А. Итиналар ҳам шу ғоя тарафдорлари бўлиб, ўз тадқиқотларида Яз I маданияти шимолдан келган дашт аҳолиси ва маҳаллий аҳоли билан аралашувининг янги босқичи эканлигини таъкидлашади [Толстов., Итина, 1960.С. 31-32]. Дашт аҳолисининг Яз I типидagi маданиятларнинг вужудга келишидаги иштироки тўғрисида А.А. Аскарлов, Н.М. Виноградова, В.А. Алёкшинлар ҳам ўз фикрларини билдиришган [Аскарлов, 1979. С. 34-37.; Виноградова, 1987. С. 87-89.; Алёкшин, 1989. С. 156]. А.А. Аскарловнинг ғояси икки компонентли бўлиб, кўчманчи Андронova маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келишини ҳам қўллаб қувватлайди ҳамда Чуст маданиятининг жанубга, хусусан Сўғд, Бактрия, Марғиёнага маданий таъсири масаласини ҳам илгари суради [Аскарлов, 1979. С. 34-37.].

Ю.А. Заднепровскийнинг фикрига кўра, Яз I типидagi маданиятлар қадимги деҳқончилик маданияти аҳолисининг дашт аҳолиси билан синтези асосида ёки қадимги деҳқончилик маданияти аҳолисининг таъсири остида дашт қабилаларининг маданияти трансформациялашуви асосида шаклланган [Заднепровский, 1997. С. 99.]. Е.Е. Кузьмина Яз I типидagi сополлар мажмуида дашт қабилаларидаги белгилар сақланишини таъкидлаб, Яз I маданияти келиб чиқишида дашт қабилаларининг ўрни юқорилигини айтиб ўтади [Кузьмина, 1964. С. 155]. Унинг фикрича, Яз I маданиятлари комплекси шаклланиши кўчманчиларнинг ўтроқ турмуш тарзига ўтиши ва уларнинг маҳаллий маданиятни қабул қилиши натижасида кечган бўлиб, оқибатда икки этник гуруҳ синтези натижасида янги маданият вужудга келган [Кузьмина, 2008. С. 321].

С.Р. Баратов тадқиқотларида Ўрта Осиё ҚЯНСМ моддий маданияти ўрганилиб, Бактрия ва Сўғднинг ушбу турдаги маданиятлари илдизини шимолдан келувчи Бурганли маданияти вакиллари билан боғлайди. Марғиёна ва Копетдоғ шимолий ён бағридаги ушбу турдаги маданиятлар эса Бактрия ва Сўғд археологик манбаларидан фарқ қилишини ва илдизи номаълумлигини таъкидлайди [Баратов, 2017. С. 15-16].

С. Бобомуллоев Саразм маданияти нақшли сополларини таҳлил қилар экан, Яқин Шарқ нақшли сополлар маданияти Саразм орқали Ўрта Осиё шимолига, кейинчалик ушбу анъана Фарғона, Марғиёна ва Шимолий Бактрияга кенг тарқалганлигини ёзади [Бобомуллоев, 1998. С. 37].

А.-П. Франкфор ўз тадқиқотларида ушбу маданиятнинг келиб чиқишига оид бўлган назарияларни иккига бўлади, биринчиси Дашт (Андронов) ёки Фарғона ҳудудидан кириб келган қабилаларнинг қадимги деҳқончилик маданияти аҳолиси билан сингиши, иккинчиси Эрондан келиб чиқиши ёки Туркменистон варианты [Francfort, 2001. P. 221].

Келтириб ўтилган ғоялар асосида фикрлаш мумкинки, ҚЯНСМнинг вужудга келишидаги мавжуд нуқтаи назарлар тўлиқ асосланмаган. Ушбу масалани ечиш учун ишончли стратиграфик кузатишлар ва зарур фактологик материаллар танқислиги кузатилади [Кутимов, 2014. С. 93].

ҚЯНСМнинг хронологияси ҳам баҳс ва мунозаралидир. Р. Помпелли ва Р. Шмидт бу маданиятни “варвар оккупацияси даври” ёки Анау IV даври деб ҳисоблайди ва 1000-500 йиллар билан даврлаштирган [Pumpelly, 1908. P. 219-231]. Ўрта Осиё сўнгги бронза ва илк темир асри учун эталон ёдгорликлардан бири бўлган Яздепе қазилмалари асосида В.М. Массон Яз I даврини мил.авв. 900-650 йиллар билан [Массон, 1959], В.И. Сарияниди Тилла I даврини мил. авв. 1300-1000 йиллар билан даврлаштирган [Сарияниди, 1972. Вып.1. С. 24].

XX асрнинг сўнгига келиб, Европа ва Америка олимлари томонидан янги хронология илгари сурилди. Унга кўра, Яз I типидagi маданиятлар хронологияси милоддан аввалги 1500-1000 йиллар билан саналаш таклиф этилди. Бу сана C<sup>14</sup> натижаларига асосланган бўлиб, тарихий жиҳатдан индоарийлар миграцияси ва Хараппа инқирози воқеалари билан боғланади [Kohl. Vol. I: -P.179-195; Vol. II: -P.154-162., Hiebert, 1993, Issue 19: -P.136-148., Salvatori, 1995. Anno XIX: - P. 38-54].

ҚЯНСМ нинг энг нозик ва мунозарали жиҳатларидан бири унинг кулолчилиги масаласидир. Барча мунозаралар сири ҳам шу манбада яширинган. Сирли томони шундаки, биринчидан бронза даврида кашф этилган буюк кашфиёт, яъни сопол чархидан бу маданият аҳолиси фойдаланмаган. Иккинчидан, бронза даврининг яна бир оламшумул янгиликларидан бири бўлган икки ярусли хумдондан фойдаланишни ҳам инкор этишган. Учунчидан, Сополли маданияти кулолчилигида соз гил тупроқдан бежирим ашёлар тайёрланган. Янги маданият соҳиблари эса гил тупроқни ҳам ишлатмаган, сопол лойига майда тошли кум ва шамот қўшиб ясаш технологиясидан фойдаланган. Тўртинчидан, сополлар шаклини ясада текстил матодан кенг фойдаланган. Бешинчидан, бўяма нақш берилган кулолчилик анъанасининг кенг тарқалиши мазкур маданиятнинг энг характерли хусусиятидир. Бу муаммо билан Ўрта Осиё археологиясининг йирик намоёндалари В.М. Массон, А.А. Асқаров, В.И. Сарияниди, Ю.А. Заднепровскийлар шуғулланишган. Аммо, кулолчилик технологиясидаги регресс масаласи сабаблари тўлиқ тушунтириб берилгани йўқ.

Ўрта Осиё археологиясининг кейинги авлод вакиллари академик А.С. Сагдуллаев, профессорлар А.-П. Франкфор, Б.Х. Матбобоев, Ш.Б. Шайдуллаев, Н. Бороффка, Реми Боушарлат, Бертиль Лионе, Жоанна Люилье асарларида ҳам бу муаммо муҳокамаси давом этмоқда.

Бугунги кунга келиб Марказий Осиёда ҚЯНСМ ни ўрганиш халқаро тусга айланди. 2010 йили Хитойнинг Сиан шаҳрида ҚЯНСМ муҳокамасига бағишланган халқаро конференция чақирилиб, Такламакан чўлларида ўрганилган Яз I даврига оид қабрларнинг пайдо бўлиш муаммолари муҳокама этилди [International workshop on Eurasian Archaeology. General Information. Xi'an, China.17-26 September, 2010]. 2013 йилда Варшавада Ўрта Осиё илк темир асри сополларига бағишланган конференция ташкил этилиб, М. Вагнер муҳаррирлигида илмий тўплам ҳам нашр этилди [Pottery and chronology of the Early Iron Age in Central Asia. Edited by Marcin Wagner. Warszawa, 2013]. 2014 йилда Ж. Люилье ва Н. Бороффка томонларидан Германия археология институтида ташкил этган халқаро конференцияда ҳам Ўрта Осиёда ҚЯНСМнинг айрим муаммоли масалалари муҳокама этилган [A Millennium of History. 2018. 351 p.]. Аммо, Кучук I жамоасининг нима учун илгор технологияни инкор этиш ҳолати тушунтириб берилгани йўқ.

Эслаб ўтганимиздек, жуда кўплаб тадқиқотчилар дашт Андроново маданиятининг ўтроқлашиши натижасида ҚЯНСМ пайдо бўлган деган хулосага келган. Тўғри, Андроново маданияти сополлари ҳам чархсиз, қўлда ясалган. Аммо у сополлар

мажмуасини Яз I сополлари билан таққослаб бўлмайди. Негаки, уларнинг ясашиш технологияси бутунлай бошқа бўлиб, ҳаттоки, безаклари ҳам таққосланмайди. Андроново маданияти сополларига ўткир асбоб билан тирнаб, геометрик тасвирлар чизилган бўлса, ҚЯНСМ сополлари эса бўёқлар билан безатилган. Бу комплексларнинг хилма-хиллиги ва ўхшамаслиги, ўз вақтида В.М. Массон томонидан ҳам қайд этилган [Массон, 1959. С. 121]. Техника ва технологик жиҳатдан Андроново ва Яз I маданиятлари сополлари умуман таққослаб бўлмайдиган археологик комплекслар ҳисобланади. Шундай экан, биз фақат сополларни эмас, балки бутун археологик комплексларни таққослаш усулидан фойдаланишимиз керак бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алёкшин В. А. Культурные контакты древних племен Средней Азии (неолит – эпоха бронзы) // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989.
2. Альбаум Л.И. К датировке верхнего слоя поселения Кучуктепа // ИМКУ. 8, 1969.
3. Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. – Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979.
4. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. –Ташкент, 1979.
5. Аскарлов А.А., Аминов В.С. Исследования Шерабадского отряда // АО-1978. М., 1979. С. 544-545.
6. Аскарлов А.А., Аминов В.С., Рахманов У.В. Новые данные о поселении Кучуктепа // ОНУ-1978. Вып. 11, 1978.
7. Аскарлов А.А., Шайдуллаев Ш.Б. Бактриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. Ташкент, 2005
8. Баратов С.Р. О проблеме истоков урбанизированной культуры древнего Хорезма // Археология Узбекистана, №2(15). Самарқанд, 2017.
9. Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийский памятники Миршаде. В кн.: Из истории античной культуры Узбекистана. Ташкент, 1973,
10. Бобомуллов С. Верховья Зарафшана во II тысячелетия до н.э. Душанбе, 1998.
11. Виноградова Н. М. Новые памятники эпохи бронзы на территории Южного Узбекистана // Центральная Азия. Новые памятники письменности искусства. М., 1987.
12. Дуке Х.И. Туябугузские поселения бургулюкской культуры. – Ташкент, 1982.
13. Заднепровская Т.Н., Заднепровский Ю.А. Основная современная литература по археологии эпохи раннего железа Средней Азии и Казахстана (1959-1982 гг.) // Туркменистан в эпоху раннежелезного века. Ответственные редакторы В. М. Массон, Е. Атагарьев. Ашхабад, 1984.
14. Заднепровский Ю.А. Проблема происхождения культуры раннежелезного века юга Туркменистана (критический обзор основных гипотез) // Изв. АН ТуркмССР. Сер. Общ. наук. 1986. – №5.
15. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. - Бишкек: Мурас, 1997
16. Кузьмина Е. Е. Арии – путь на юг. М., 2008.
17. Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. М., 1964.
18. Кутимов Ю. Г. К вопросу о культурных контактах степного и земледельческого населения в эпоху поздней бронзы на территории Туркменистана // Археология древних

обществ Евразии: хронология, культурогенез, религиозные воззрения. Памяти Вадима Михайловича Массона (03.05.1929–19.02.2010). СПб., 2014.

19. **Массон В.М.** Древнеземледельческая культура Маргианы. — МИА. № 73, 1959.

20. **Массон В.М.** На пороге раннеклассового общества. Оазисы юга Средней Азии в первой трети I тыс. до н. э. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.—Л., 1966.

21. **Массон В.М.** Древнеземледельческая культура Маргианы. М.;Л., 1959 (Материалы и исследования по археологии СССР. №73);

22. **Матбабаев Б.Х.** Локальные варианты Чустской культуры Ферганы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Л., 1985.

23. **Мустафокулов С., Бендесу-Сарменьто Х., Рахмонов У., Хасанов М., Люилье Ж., Люно Э.** Полевые работы узбекско-французской (MAFOUZ) экспедиции на Джаркутане в 2009-2011 гг. // Археологические исследования в Узбекистане 2010-2011 годы. Выпуск 8. Самарканд, 2012

**Сагдуллаев А.С.** Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа(генезис культуры и социально-экономическая динамика). АДД. М., 1989.

24. **Сагдуллаев А.С.** Усадьбы древней Бактрии. Т., 1987.

25. **Сагдуллаев Т., Хакимов З.** Археологическое изучение городища Кызыл-тепе (По итогам работ 1973-1974 гг.). – Бактрийские древности. –Л., 1976.

26. **Сарианиди В.И.** Восточнохорасанская культура расписной керамики Афганистана. – КСИА, 1973, вып. 136

27. **Сарианиди В.И.** Раскопки Тилля-тепе в Северном Афганистане. – кн.: Материалы к археологической карте Афганистана.–М., 1972. Вып.1.;

28. **Сарианиди В.И.** Храм и некрополь Тиллятепе. -М., 1989;

29. **Сверчков Л.М., Бороффка Н.** Археологические исследования в Бандыхане в 2005 г. Труды Байсунской Научной Экспедиции. Археология, История и Этнография. Выпуск №3. Ташкент, 2007

30. **Сверчков Л.М., Бороффка Н.** Комплекс периода Яз II из Бандыхана // ИМКУ, №36. Т., 2008. С. 50-55; Boroffka N., Sverchkov L. The Jaz II and III period pottery. Classification and chronology viewed from Bandykhan, Southern Uzbekistan. In: M. Wagner (ed.), Pottery chronology of the Early Iron Age in Central Asia. Warszawa, 2013 [2014]

31. **Толстов С.П., Итина М.А.** Проблема суярганской культуры // СА. -1960. -№1.

32. **Хакимов З.А., Сагдуллаев А.С.** О работе Миршадинского отряда // АО-1978. М., 1979.

33. **Шайдуллаев Ш.Б.** Памятники раннежелезного века Северной Бактрии. АКД. Самарканд. 1990.

34. **Шайдуллаев Ш.Б.** Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000.

35. **Шайдуллаев Ш.Б.** Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2008.

36. **Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б.** К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа // ИМКУ, 22. 1988.

37. **A Millennium of History.** The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC). Proceedings of the conference held in Berlin (June 23–25, 2014). Dedicated to the memory of Viktor Ivanovich Sarianidi. Edited by Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka. Dietrich Reimer Verlag, Berlin, 2018.

38. **Francfort H.-P.** The cultures with painted ceramics of south Central Asia and their relations with the northeastern steppe zone (late 2<sup>nd</sup> – early 1<sup>st</sup> millennium BC). In Ricardo Eichmann, Hermann Parzinger (eds), Migration und Kulturtransfer. Der Wandel vorder-

undzentralasiatischer Kulturen im Umbruch vom 2. zum 1. vorchristlichen Jahrtausend. Akten des Internationalen Kolloquiums Berlin, 23. bis 26. November 1999. Kolloquien zur Vor- und Frühgeschichte **6**, Bonn: Dr. Rudolf Habelt GmbH, 2001

**39. Hiebert F.T.** Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of IASCCA. - Moskov, 1993, Issue 19:

**40. Kohl Ph.L.** Central Asia (Western Turkestan): Neolithik to the Early Iron Age // Chronologies in Old World Archaeology. Ed. by Ehrich R.W. - Chicago. Vol. I: -P.179-195; Vol. II:

**41. Kurbanov A.** History of research of Early Iron Age sites in southern Turkmenistan during the Soviet period // A Millennium of History. The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC). Proceedings of the conference held in Berlin (June 23–25, 2014). Dedicated to the memory of Viktor Ivanovich Sarianidi. Edited by Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka. Dietrich Reimer Verlag, Berlin, 2018.

**42. Lhuillier J.** Les cultures à céramique modelée peinte en Asie centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500-1000 av. n.è.), Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. Paris. 2013.

**43. Lhuillier J.A** synthetic note about the phenomenon of the Central Asian Early Iron Age “painted ware cultures” (2<sup>nd</sup> – 1<sup>st</sup> millennium B.C.) // Bulletin of IICAS. Volume 13. 2011

**44. Pottery and chronology** of the Early Iron Age in Central Asia. Edited by Marcin Wagner. Warszawa, 2013.

**45. Pougatchenkova G.** Histoire des recherches archéologiques en Bactriane septentrionale. Région du Sourkhan Darya, Ouzbekistan (jusqu'à la création de la MAFOUZB) // La Bactriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale, Actes du colloque de Termez 1997. 2001.

**46. Pumpelly R.** Explorations in Turkestan. Expedition of 1904. Prehistoric civilizations of Anau. Origins, Growth, and Influence of Environment, The Carnegie Institution of Washington, Publication n° 73, Washington D.C. : Press of Gibson Bros, 1908. 2 vol;

**47. Pumpelly R.** Explorations in Turkestan. Expedition of 1904. Prehistoric civilizations of Anau. Origins, Growth, and Influence of Environment, The Carnegie Institution of Washington, Publication n° 73, Washington D.C. : Press of Gibson Bros, 1908. 2 vol.

**48. Šajdullaev Š.B.** Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien // Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. Berlin, 2002.

**49. Salvatori S.** Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution. (Review of: «IASCCA. Information Bulletin», 19, Moscow 1993 // Revista di Archeologia. - Venice, 1995. Anno XIX:

**50. Stride S.** Géographie archéologique de la province du Surkhan Darya. P., 2004. Vol. I-V.

МУНДАРИЖА

I ШЎБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ  
МАДАНИЯТЛАРИ

<b>Кириш сўзи</b> .....	3
1. <b>Матбабаев Б.Х., Хакимов А.</b> К изучению культур лепной расписной керамики эпохи бронзы и раннего железа в Центральной Азии .....	4
2. <b>Шайдуллаев Ш.Б., Шайдуллаев А.Ш.</b> Каттабулоқ пайконлари.....	10
3. <b>Шайдуллаев А.Ш., Шайдуллаев Ш.Б.</b> Каттабулоқ – туз ва гипс ишлаб чиқариш корхонаси. ....	15
4. <b>Тўйчибоев Б.Б.</b> Қоятош тасвирларини муҳофаза қилиш хусусида.....	19
5. <b>Saydullaev F.U.</b> Language of the people of the Bactria-Margiana archaeological complex. ....	24
6. <b>Каспаров А.Р.</b> Авестийские параллели погребального обряда в Сапаллинской культуре .....	28
7. <b>Ибрагимова М.Ю.</b> Бронза даври анъанавий театр, мусиқа ва рақс санъати шаклланиши тарихи (археологик манбалар асосида).....	35
8. <b>Раҳимов К.А., Низомова Ш.Х.</b> Сополли маданиятининг ноёб кулоллик намунаси.....	44
9. <b>Бозоров Қ., Қодиров А.А.</b> Ўзбекистоннинг сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари.....	48
10. <b>Шодмонов А.А.</b> Жанубий Ўзбекистоннинг бронза даври баъзи бир ўзига хосликлар хусусида.....	52
11. <b>Очилов А.Т.</b> Қуйи Зарафшон воҳасининг бронза даври моддий маданиятига доир қисқача мулоҳазалар.....	55
12. <b>Жалилов Д.М.</b> Сополли маданияти ёдгорликларида чорвадор жамоалар буюмларининг пайдо бўлишига доир.....	58

II ШЎБА. БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР АСРИДА УРБАНИЗАЦИЯ  
ЖАРАЁНЛАРИ

13. <b>Абдуллаев Б.М., Камбаров Н.Ш., Позилжонов А.Р. Рашидов Н.</b> Хонобод-1 ёдгорлиги моддий маданиятининг айрим хусусиятларига доир.....	61
14. <b>Абдуллаев Б.М., Болиев Б.Н.</b> Хонобод-1 ёдгорлиги сопол идишларининг реставрацияси масалаларига доир.....	70
15. <b>Турганов Б.Қ.</b> Хоразмнинг бронза даври металлсозлик хунармандчилиги.....	75
16. <b>Расулова С.Ч.</b> Сополли маданияти инқирози ва унинг кулолликга салбий таъсири .....	83
17. <b>Рузибоев Т.З.</b> Жиззах воҳаси қоятош расмлари ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи ва қиёсий таҳлил.....	87

18. Шапулатов У.Х. Марғиёна ва Шимолий Бактриянинг бронза даври суғорилиш тарихининг ўрганилиши.....	92
19. Хамидов О. Ўрта Осиё қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти тарихшунослиги.....	96
20. Қурбонбоев И.М, Яркулов А. Қоратепа тоғ массиви янги қоятош расмлари.....	104
21. Рузанов В.Д. Некоторые данные о рецептуре и источниках металла лепной расписной керамики Северной Бактрии.....	110

### III ШЎЪБА. БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

22. Шайдуллаева Г.Ш., Расулова С.Ч. Окс ва Хараппа цивилизациялари маданий алоқаларини ўрганишда олтин буюмларнинг ўрни.....	113
23. Каттаева Г.Ч. Тиллабулоқ тақинчоқлари турлари.....	118

### IV ШЎЪБА. МАРКАЗИЙ ОСИЁ АНТИК ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТЛАРИ

24. Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М. “Нуртепа мадагияти”ни Қадимги Уструшона бўйлаб тарқалишига доир.....	123
25. Маматқобилова С.Ш. Юнон-Бактрия подшолиги тангалари тўғрисида баъзи мушоҳадалар.....	130
26. Аннаев Т., Арзиев К.Д. Жобу-ябғу– йабғу демакдир.....	135
27. Қудратов С.С. Куйи Сирдарё худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши.....	138
28. Абдурахимов С.Ў. Одиломтепа ва Бобуртепаннинг антик давр кулоллик идишлари.....	141
29. Махкамова Н.А. Марказий Суғднинг илк антик давр ўчоқбоши кулоллик идишлари (Оқтепа топилмалари мисолида).....	145
30. Мамиров О.Ў. Қадимги Уструшона аҳолисининг аجدодлар руҳи эътиқоди (археологик ва этнографик материаллар асосида).....	149
31. Базаров Б.Б. Паёнкурған- античный памятник Северной Бактрии.....	155
32. Алибеков А.С., Мухамедов А.К., Шаронов И.А. Гамма-спектрометрический анализ и исследовани археометрических объектов.....	158
33. Омонов С. Кеш воҳасининг тарихий топографиясига доир айрим мулоҳазалар.....	163

**“БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР АСРИДА  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ”**

Республика илмий-амалий конференция материаллари

– Samarqand, 2023. – 170 bet.

**Масъул муҳаррир:**

*М. М. Саидов*

**Таҳрир ҳайъати:**

*К.А. Раҳимов*

*М.Ҳ. Пардаев*

Б.М. Абдуллаев

А.Н. Холматов

Б.Б. Базаров

**Такризчи:**

*Б.Х.Матбабаев*

*Д.Дж. Джурақулова*

**Дизайнер ва саҳифаловчи:**

*У.Э.Исламов*

Теришга берилди 12.11.2023 й. Нашрга рухсат этилди 12.12.2023 й.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Нашр босма табоғи 21,25. Адади 100 нусха. Буюртма 14/6.

**ISBN – 978-9943-9133-8-7**